

9-25-2021

DESCRIPTION OF THE MENTAL STATE OF THE HERO IN THE WORKS OF RAY BRADBURY AND KHODJIAKBAR SHAIKHOV

Ulugbek Kuchimov

Uzbekistan State World Languages University, Tashkent, Uzbekistan, ulugbekkuchimov75@gmail.com

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm>

 Part of the [English Language and Literature Commons](#), [Language Interpretation and Translation Commons](#), [Linguistics Commons](#), [Other Languages, Societies, and Cultures Commons](#), and the [Reading and Language Commons](#)

Recommended Citation

Kuchimov, Ulugbek (2021) "DESCRIPTION OF THE MENTAL STATE OF THE HERO IN THE WORKS OF RAY BRADBURY AND KHODJIAKBAR SHAIKHOV," *Philology Matters*: Vol. 2021 : Iss. 3 , Article 2.

DOI: 10.36078/987654502

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/philolm/vol2021/iss3/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in *Philology Matters* by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.



Received: July 25, 2021
Accepted: August 17, 2021
Available online: September 25, 2021

Улуғбек Кўчимов

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари
университети қатта ўқитувчиси
Тошкент, Ўзбекистон

РЭЙ БРЭДБЕРИ ВА ҲОЖИАҚБАР ШАЙХОВ АСАРЛАРИДА ҚАҲРАМОН РУҲИАТИ ТАСВИРИ

АННОТАЦИЯ

Жаҳон адабиётшунослигида руҳият муаммосини тадқиқ этиш, муаллифнинг қаҳрамон хис-ғуйғуларини бутун мураккабликлари, зиддиятга бой, кўзга кўринмас, сирли жиҳатлари билан бадиий талқин этиши ҳамиша эътиборни тортиб келган. XX асрда психоаналитик таълимотнинг асосини ташкил этган онгости қатламларининг чигал ва чексиз кенгликлари, уларнинг адабий-поэтик хусусиятлари, фантастик адабиёт тараққиётининг илк босқичига хос жиҳатлар, ижтимоий, фалсафий, маиший фантастика йўналишларининг такомилли, антиутопия, апокалиптика, постапокалиптика, стимпанк ёки пропанк, турбореализм, пост-киберпанк, альтернатив фантастика каби йўналишларнинг юзага келиши сингари муаммоларни ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида психологизм ҳодисасини илмий-назарий муаммо сифатида тадқиқ қилиш, жумладан, бадиий адабиёт марказида инсон образи турар экан, унинг руҳий оламини кашф этиш, руҳиятида кечадиган тизгинсиз эврилишларни тасвирлаш, ёзувчининг бадиий фантазия имкониятларини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Фантастик асарларда психологизм кўринишлари, уларнинг қаҳрамон характерини очиб беришдаги бадиий вазифалари, бадиий образда ёзувчининг руҳий олами, маънавий дунёқараши, олам ва одам ҳақидаги фалсафий қарашлари билан боғлиқ муаммолар юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида

Ulugbek Kuchimov

Senior teacher, Uzbekistan State World
Languages University
Tashkent, Uzbekistan
E-mail: ulugbekkuchimov75@gmail.com

DESCRIPTION OF THE MENTAL STATE OF THE HERO IN THE WORKS OF RAY BRADBURY AND KHODJAKBAR SHAIKHOV

ANNOTATION

The investigation of psyche problems in terms of artistic analysis of the study of psychology, artistic understanding of the complexity, contradictions, invisible mysteries of heroes' state of mind, has always been attractive to study in the world literature. It is essential to reveal and solve problems associated with the confusion and boundless breadth of the subconscious, literary and poetic peculiarities, the specific features of the initial stage of fantastic literature development, the perfection of the directions of social, philosophical, fiction, the emergence of dystopia, apocalyptic, post-apocalyptic, steampunk or pro-punk, turbo-realism, post-cyberpunk, alternative directions of fiction, which are the basis of the psychoanalytic teachings of the twentieth century.

In the field of research of the phenomenon of psychologism as a scientific and theoretical problem in world literature, it should be noted that, since the image of a person is in the center of fiction, the conducted research is aimed at revealing his/her spiritual world, describing uncontrolled evolutions in his/her inner world, studying the capabilities of the individual. In particular, special attention is paid to the development of scientifically based ideas about the problems associated with the appearance of psychologisms in fantastic works, their artistic tasks to reveal the character of the hero, the spiritual world of the writer in an artistic image,

диккат қаратилмоқда.

Тадқиқот-мақоланинг мақсади – Рэй Брэдбери ва Ҳоджиакбар Шайхов асарларида бадий психологизм концепциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ёзувчиларнинг қаҳрамон руҳиятини тасвирлаб беришдаги маҳоратини киёсий-типологик метод асосида очиб беришдан иборат.

Калит сўзлар: бадий психологизм, ижтимоий, фалсафий, маиший антиутопия, апокалиптика, постапокалиптика.

his spiritual worldview, his philosophical views on the world and a person.

The purpose of the study is to identify the features of the concept of artistic psychologism in the works of Ray Bradbury and Khodjiakbar Shaikhov, to reveal the creative skills of writers in presenting the heroes' psychology in their fantastic works in the context of a comparative typological study.

The object of the research deals with the study of such problems disclosure heroes' spiritual world, the direct or indirect depiction of the psychology of characters in the context of the artistic interpretation of universal values in works of Ray Bradbury and Khodjiakbar Shaikhov's using the method of comparative typological analysis.

The subject of this research is the concept of artistic psychologism in Ray Bradbury and Khodjiakbar Shaikhov's works.

The methods of structural analysis, comparative-historical, comparative-typological, psychological and biographical methods have been used for the research.

Key words: artistic psychologism, social, philosophical, everyday dystopia, domestic anti-utopia, apocalyptic, post-apocalyptic.

КИРИШ

Жаҳон адабиётида, шу жумладан, ўзбек адабиётида ҳам бадий психологизм масаласи муайян даражада ўрганилган. Бадий психологизм, бу – “бадий асарда тўлақонли инсон образини яратишнинг муҳим воситаларидан бири; персонаж руҳиятининг очиб берилиши, хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзларининг психологик жиҳатдан асосланиши, шу мақсадларга хизмат қилувчи усул ва воситаларнинг жами”дир [Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М., 2013; 48].

Мавзу ўрганилишига кўп эътибор берилиши ботиний оламни тадқиқ этишга бўлган эҳтиёждир. Айниқса, кейинги йиллари бу масала фалсафа, психология, адабиётшунослик фанларининг тадқиқот объектига айланди.

О.Б. Золотухина “...ушбу муаммо бўйича амалга оширилган илмий ишлар ҳажмининг кўплиги ва унинг ҳар томонлама (назарий, тарихий-адабий, таҳлилий жиҳатдан) ўрганилганлигига қарамасдан, ҳозирги кунда бадий психологизм феномени, унинг таркибий қисми ва асар тизимидаги ўрни ҳақида тўлиқ тасаввурнинг; терминологик аниқликнинг; методология ва таҳлилий воситаларнинг йўқлиги”га эътиборни қаратади [Золотухина О., 2009; 180].

Исталган жанрдаги бадий асарда ёзувчи ўз қаҳрамонларининг туйғулари, кечинма ва изтиробларини тасвирлаш билан уни китобхонига таништиради,

асарга қувват беради. Баъзи тадқиқотчилар психологизмни инсон ички дунёсини кашф этувчи усул деб ҳисобламайдилар. Шу боис, қаҳрамон руҳий оламининг тадқиқида психологизм усул эмас, балки бадиий адабиётда руҳиятнинг ўзига хос тасвири деб қабул қилинади [Замятин Е., 1988; 136-139]. Ёзувчининг қаҳрамони ички оламини тасвирлаши, уни қанчалар чуқур англаганлигига боғлиқдир. Психологик таҳлилни характерларни тасвирлашига кўра, ички (монолог, хотира, ассоциациалар ва тасаввур образлари) ва ташқи (мимика ва психикага доир бошқа ташқи кўриниш ҳолатларининг ҳиссий ўзига хослигини намоён қилиш) шаклларга ажратиш мумкин.

Психологизм бевосита муаллиф мулоҳазаси ёки қаҳрамонларнинг ўз-ўзини таҳлил қилиши шаклида ёки билвосита қаҳрамонлар мимикаси, хатти-ҳаракатини кўрсатиш орқали амалга оширилади [Тўлабаева Р., 2019; 17].

НАТИЖА ВА МУЛОҲАЗАЛАР

Лирик асар қаҳрамони ҳис-туйғулари, бошидан кечирганларини бевосита монологик нутқда, драматик асарларда асар қаҳрамоннинг ҳолати асосан диалогларда акс этади. Бунга яна қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатлари, имо-ишоралари, гапириш оҳанги каби бадиий элементлар ҳам киради. Эпик асарларда психологик таҳлил имконияти янада кенгроқ.

Ёзувчи учун асар қаҳрамонининг ички дунёсини чуқурроқ очиб беришига ҳам майдон, ҳам бевосита ва билвосита тасвир усуллари етарли. Бунда ёзувчи “ташқи” портрет, пейзаж, интерьердан фойдаланиши, “ишора билан чекланиб”, хулосани китобхон ҳукмига ҳавола этиши мумкин.

Фантастик асарда ижодкор реал қаҳрамонларни тасвирлар экан, психологизмнинг барча кўринишларидан, қаҳрамонга хос портрет чизгилари, пейзаж, интерьер ва шу каби турли бадиий детал, қаҳрамоннинг оғзаки ёки ёзма нутқи, ички монолог, туш воситаларидан фойдаланиши мумкин. Психологизм тасвирида муаллиф позицияси, воқеаларни баён этишда у ёки бу бадиий воситаларни танлай билиш маҳорати, қаҳрамонлар тилини индивидуаллаштириш, персонажлар характериға, руҳиятиға монанд равишда портретлар, табиат манзараларини чизиш ва энг муҳими конфликтни изчиллик билан ривожлантира билиш маҳорати яққол намоён бўлади.

Ўзбек фантастик асарлари тадқиқи [Салаев Ф., 1994; Қувватова Д.Ҳ., 1997] бўйича бир қанча тадқиқот ишлари бажарилган бўлса-да, фантастик асарларда психологизм муаммоси махсус ўрганилмаганлиги боис, америка ёзувчиси Рэй Брэдбери ва ўзбек ёзувчиси Ҳожиакбар Шайхонинг фантастик асарларида психологизм масалаларига хос муҳим жиҳатларни тадқиқ этишга жазм қилдик.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхон асарларининг тадқиқот объекти сифатида танланишиға сабаб – Р.Брэдбери жаҳон миқёсида фантастика жанрининг шаклланишида, ўзбек фантастикаси ривожиди, ўзбек фантаст ёзувчиси Ҳ.Шайхон ижодининг такомиллашувида ҳам бетакрор мактаб вазифасини ўтаган. Айни пайта, бу икки адибнинг фантастик асарлари ўз ечимини топган ғоялари ва ўзига хос фикрлаш услуги билан бир-биридан

ажралиб туради.

Рэй Брэдберининг фантастик асарлари танқидчиликда кенг ўрганилган. Рэй Брэдбери – фантастика даҳоси, жанрнинг назарий принципларини инкишоф этган ёзувчи. Статистик маълумотларга кўра, у яратган фантастик асарлар 800 дан ортиқ. Булар – роман, қисса, ҳикоя, драматик асарлар, шеърлар ва бошқа асарлардир.

Рэй Брэдбери фантастик асарлари учун бир қанча мукофотлар соҳиби ҳам бўлган. 1984 йили “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи учун “Прометей” мукофоти билан тақдирланган. 1988 йили “Гранд Мастер” ва “Бир умр ютуқлари” асарлари учун “Брам Стокер” мукофоти, 2000 йили “Америка адабиётига қўшган улкан ҳиссаси учун” медали, 2004 йили “АҚШнинг санъат соҳасидаги миллий медали”, 2007 йили “Пулицер” мукофоти билан тақдирланди. Унга шунингдек, Уиттер (Калифорния штати) коллежининг адабиёт бўйича фахрий доктори ва Вудбери университетининг фахрий доктори илмий унвонлари берилди. Ёзувчи вафотидан сўнг унинг номини абадийлаштириш мақсадида (2012 йили 22 август куни туғилган куни санасида) NASA томонидан ракета кўндириладиган жойга “Брэдбери Ландинг” деб ном бериш бўйича қарор қабул қилинди. 2015 йили Халқаро астрономия иттифоқи томонидан кратерлардан бирига Брэдбери номи берилди. Брэдберини Голливуднинг “Шон-шараф йўлида 6644-юлдузи” мукофоти билан тақдирладилар. 2019 йили ёзувчи таваллуди муносабати билан у туғилган Уокинган шаҳрида Рэй Брэдберига бағишланган “Хаёлий саёҳатчи” ҳайкали очилди.

Р.Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи 1953 йили яратилган. Бу асар дастлаб “Playboy” журналида нашр этилиш билан бутун дунё бўйлаб шуҳрат қозонди ва ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотгани йўқ. Романда китобларни ўқиш ва сақлаш таъқиқланган ҳамда хонадонлардан топилган китобларни ёқиб юбориш керак бўлган жамият тасвирланади. Шунингдек, жамиятдаги инсонларнинг интеллектуал ҳаётини пасайтириш ва уларнинг онгини телевизор ва радиода бериладиган турли ўйинлар, кераксиз кундалик ахборотлар билан тўлдириб ташлаш билан боғлиқ ғоялар илгари сурилади.

“Фаренгейт бўйича 451 даража” романининг жанрини аниқлаш бўйича тортишувлар давом этди. Баъзи олимлар романни антиутопия билан боғлаб баҳолашлар, бошқалар огоҳлантириш романи эканлигини таъкидлайдилар. Келажакни янги усулда тасвирлаб берган илмий фантастика жанридаги асар сифатида эътироф этганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. “Los Angeles Times” газетаси муҳбири Дон Газмэн фикрича: “Брэдбери хавфли фикрлар кўркувини замонавий воқеликдан китобга кўчирди. ...Брэдбери биз яшаётган цивилизацияни ёқтирмайди” [Guzman D., 1953; 7] деб ёзар экан, ёзувчининг яхши услуби, инсониятни огоҳликка даъват этаётгани учун мақтайди.

Орвил Прескоттнинг фикрича, “Жаноб Брэдбери томонидан тақдим этилган ақлдан озган дунё, бизни жуда даҳшатли тарзда ўйлантиради. Жозибали баъзи ижодий техникаларнинг ўзига хослиги билан ҳайратга солади” [Prescott O.,

1953; 27]. Адабиётшунос реал ва ирреал олам тасвири асосида Рэй Брэдберининг бадий маҳоратини юқори баҳолайди.

Америкалик илмий-фантастика жанри тадқиқотчиси Грофф Конклин фикрича, “Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи сўнгги ўн йилликда инглиз тилида ёзилган инсониятнинг буюк асарлари қаторига кирди” [Conklin G., 1954; 108].

Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451” романи 1960 йиллардан бошлаб АҚШда мактаб ўқув дастурига киритилган. Танқидчилар ёзувчининг ўзига хос илмий гипотезаларига эмас, балки хаёлий муҳит яратишдаги маҳоратини кадрлайдилар, жумладан, бу борада: “Ёрқин тасаввур, клипга ўхшаш, динамик наср услуби ва руҳий тарангликни яратиш мукамал” [Derleth A., 1964; 191], дейилган. Айрим танқидчилар эса Р.Брэдбери асарларига Америка адабий анъанасининг бир қисми сифатида қарайдилар. Мартин Тейчер “Рэй Брэдбери ва Томас Волф: фантазия ва хаёлот” [Teicher M., 1988; 17-19] асарида адиб асарлари мазмунини Ҳерман Мелвилл, Эдгар Алан По, Ч.Диккенс, Томас Вулф ва бошқаларнинг адабий қаҳрамонлари ҳамда улар қисматидаги муштараклик ва турфа жиҳатларини таҳлил этади.

Гаролд Блум Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романининг турли тарихий даврлар билан боғланганлигига эътиборни қаратади: “Роман 50-йилларнинг совуқ уруши даврида ёзилган. Шу билан бирга 60-йилларнинг муаммоларини башорат қилган ва янги минг йилликда ўз аҳамиятини йўқотмаган” [Bloom H., 2008; 1-2].

Кевин Хоскинсон “Фаренгейт бўйича 451 даража” романида Брэдбери совуқ уруш даврида Америка жамиятининг қандай муаммоларга дуч келганини: “Америка ҳукуматининг ўзига хослигини, ядровий уруш хавфини, жамият маданиятини қайта тиклаш муаммолари ва совуқ уруш даври одамлари табиатини” [Hoskinson K., 1995; 345-359] очиб беради.

Фрэнсис Мак Комас: “Рэй Брэдберининг бу романи илмий фантастика жанридаги идеал иш эмас, у баъзида ҳаяжонли ва ишонарли, баъзида қоронғу ва золим келажакни акс эттиради”, – деб ёзади.

Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи 1956 йили рус тилига таржима қилиниши билан рус адабиётига Брэдбери анъанаси кириб келди. 1956 йилдан бошлаб роман ҳақида дастлабки танқидий фикр-мулоҳазалар пайдо бўлди. Танқидчилар романнинг оғоҳликка даъват этувчи ғоялари ва асарнинг бадиияти хусусида илмий-назарий мулоҳазалар билдирдилар.

А.Казанцевнинг таъкидлашича, адиб инсониятни уруш оловини ёқиш ва ҳокимиятнинг техник маданиятни йўқ қилишга уринишларидан нафратланишга чақиради [Брэдбери Р.; 3-10].

Кейинги яратилган тадқиқотларда Рэй Брэдберининг мазкур романи ҳақида ижобий фикрлар айтилди. “Брэдбери китоби ўзгариш жараёнининг йилномасидир. Роман бизга техносфера ривожланишининг сўнгги босқичини аниқ кўрсатиб беради”, – деб ёзади И.Шлионская.

Юқорида келтирилган фикрлардан англашиладики, Рэй Брэдберининг

“Фаренгейт бўйича 451 даража” романи ҳақидаги жаҳон адабиётшунослигида мавжуд танқидий ёндашувлар таҳлили асар ижобий баҳоланган, деган хулосага келиш учун асос бўлади.

Ҳ.Шайховнинг асарлари ҳам танқидчилар эътиборидан четда қолмаган. Адиб асарлари ҳақида мунаққид О.Шарафиддинов шундай дейди: “Ҳожиакбар Шайхов ижодининг ўзига хослиги нимада? У фантаст ёзувчи сифатида нималарга эътибор беради? Қандай муҳим гапларни кўтариб чиқади? ...Ҳожиакбар асарларида ҳозирги фантастик адабиётнинг ҳамма зарур белгилари мавжуд, яъни улардаги воқеалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, қўшни Галактикаларда содир бўлади. Бироқ воқеалар силсиласи қанчалик ғайритабиий бўлмасин, улар охир-оқибатда қай бир томонлари билан Ердаги одамларнинг бугунги ҳаётига бугунги ташвишларига боғланиб кетади” [Шарафиддинов О., 1995; 3]. Пирмат Шермухамедов эса: “Илмий фантастика жанрида фаолият кўрсатаётган ёш адиблардан бири – Ҳожиакбар Шайхов. Унинг айрим ҳикоялари ва “Рене жумбоғи” номли қиссаси китобхонлар орасида турли хил баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. Аммо Ҳожиакбар Шайхов асарлари нимаси биландир кишини қаноатлантирмайди, кишининг тафаккур уфқини бойитмайди. “7 – СЭР” деб номланган асаридаги 7 – Силжувчи электрон роботнинг таъриф-тавсифи ҳикоянинг асосини, “жони”ни, мағзини ташкил қилиб қолган, унга берилган таърифлар ва мақтовларнинг чеки йўқ. Бу ерда илмий проблема борми? Адиб роботнинг тузилиши, ўзига хос ишлаш усули, Фарҳоднинг хайратланиши ҳақида маълумотлар бериш билан чекланиб қолган” [Шермухамедов П., 1976; 225-248], – деб таъкидлаган. П.Шермухамедов фикрларидан Ҳ.Шайхов ижодининг дастлабки йилларида ўз услубини, ижод йўлини топишда қийинчиликларга дуч келганини англаш мумкин. Лекин Ҳ.Шайхов ижоди давомида бадиий жиҳатдан пишиқ, мукамал асарлар яратганини эътироф этиш лозим. Айниқса, Ҳ.Шайховнинг фантастик асарлари рус ва бошқа қардош тилларга таржима қилиниши ва рус ижодкорларининг ёзувчи ижодига берилган баҳолар диққатга моликдир [Брандис Е., Дмитриевский В., 1978; 3].

Ҳар бир асарда муаллиф қаҳрамонларининг ҳис-туйғулари, бошидан кечирган саргузаштларини тасвирлайди. Ёзувчининг маҳорати унинг ўз асари қаҳрамонлари ички дунёсига нечоғлик кира олганлиги билан белгиланади ва бу, албатта, психологик таҳлилни тақозо этади.

XX асрнинг иккинчи чорагида адабиёт майдонига кириб келган америкалик фантаст ёзувчи Рэй Брэдбери (1920-2012) ўз ижодини кичик ҳикоялар ёзишдан бошлаган, кейинчалик яратган илмий-фантастик қисса ва романлари билан дунё адабиётида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Ўзбек фантастикасининг асосчиларидан бири – Ҳожиакбар Шайхов (1945-2002) ўзининг фантастик ҳикоялари, қиссалари, романлари билан фақат Ўзбекистонда эмас, балки жаҳон адабий майдонида ҳам кенг танилди. Асарлари мукофотларга сазовор бўлди, кўп тилларга таржима қилинди.

Адабиётшунос Озод Шарафиддинов: “Ҳожиакбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири деб атаса бўлади....

Нега энди XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган бир ёзувчини ўзбек илмий-фантастикасини бошлаб берган қалдирғочлардан бири деб аташ керак! Бунинг боиси шундаки, авваллари фантастика ижоднинг бир унсури сифатида кўринган, муайян даврда эса у ижоднинг тўлақонли, мустақил бир бўлаги, ўз мавзу доирасига, ўз тасвир воситаларига, ўз поэтикасига эга бўлган алоҳида жанр сифатида шакллана бошлайди. ...Негаки, бу асрга келиб, илм-фаннинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс кенгайди.... Шу тариқа, XX асрнинг ўрталарига келганда, бутун дунёда фантастик адабиёт гуриллаб авж ола бошлади....худди шу кезларда ўзбек адабиётида илмий-фантастика жанрининг баҳори бошланган эди. Шу баҳорни етаклаб келган қалдирғочлардан бири Ҳожиакбар Шайхов бўлди” [Шарафиддинов О., 2001; 3-4], – деб ёзган эди. Ҳ.Шайхов ижоди ҳақида Россияда “Фантастика энциклопедия”сида чоп этилган мақола бунинг яна бир исботидир.

Рэй Брэдбери фантастика жанрининг илмий фантастика, ижтимоий фантастика, антиутопия, фэнтези, апокалиптика, замонавий кўрқув-дахшат каби йўналишларида ижод қилди. Бу йўлда у фантастик жанрдаги устозлари, замондош адиблар этагидан маҳкам тутди. Ёзувчининг ўзи бу ҳақда гапириб, Жюль Верни отам деганман, Уэллс – доно тоғам, Эдгар Аллан По амаким, Флэш Гордон ва Бак Роджерс – менинг акаларим ва дўстларим эди, дея эътироф этган.

Рэй Брэдбери Ф.Достоевскийни ҳам ўзига устоз деб биларди. Унинг асарларидан тарихни қандай ҳикоя қилишни, романни қандай ёзишни ўрганди. Достоевский унинг учун устоз, асосий йўл-йўриқ кўрсатувчи бўлди.

Бадийликни таъминловчи мезонлардан бири – қаҳрамонлар психологик ҳолатининг тасвирланишидир. Бадий асарни психологизм нуқтаи назаридан ўрганиш адабиётшуносликнинг ҳам, психология фанининг ҳам назарий жиҳатдан такомиллашувига ёрдам беради. Асар қаҳрамонлари жонли образини ярата билиш бадийликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Уларни психологик таҳлил қилиш орқали ижодкор ва асар қаҳрамонларининг руҳий ҳолати ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

Психолог олим М.Г. Ярошевский “...Санъат намуналарида инсоннинг инсон томонидан идрок қилиниши ва бошқа руҳий жараёнлар, айни замонда асар қаҳрамонларининг эмас, балки асарнинг яратувчиси, муаллифнинг ҳам характер хусусиятлари, хулқ-атвори, тафаккури, майл ва интилишларини акс эттиради” [Ярошевский М.Г., 1985; 14], – деб ёзади.

Ҳақиқатан, ёзувчи асар қаҳрамонларини яратишда уларнинг ҳаракати, ҳолати ва интилишларини аввал тасаввур қилади, сўнг қалб призмасидан ўтказиб, акс эттиради. Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ҳам илм-фан инсон бахти учун хизмат қилиши керак, деган ғояни илгари сурадилар. Китобхон диққат-эътиборини ҳаётда рўй бериши мумкин бўлган ҳамда жамиятдаги ғайриоддий воқеаларга, улар билан бирга инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғуларга, пайти келиб, атроф-борликни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишга кодир оддий кундалик ишларга қаратади.

Рэй Брэдберининг “Муз ва олов” ҳикояси номланишиданоқ конфликтларга бой асар эканлигига ишора қилади. Характерлараро, қаҳрамон ва муҳит ҳамда ички (психологик) конфликт асосида ёзувчи томонидан асар қаҳрамонларининг руҳий олами босқичма-босқич очиб берилган.

Бадиий асарларда бош ва ёрдамчи мавзулар бўлиши адабиётшунослар томонидан эътироф этилган. “Ҳақиқий ёзувчи, – деб ёзади И.Султонов, – мавзу танлаганда унинг янгилигига ва жамиятнинг бугунги эҳтиёжлари жиҳатидан муҳимлигига эътибор беради” [Султонов И., 1980; 166]. Шу нуқтаи назардан олиб қаралса, “Муз ва олов” ҳикоясининг мавзуси муҳимлик даражаси жиҳатидан жамият эҳтиёжига қараб танланган.

Асарнинг бош мавзусини асар қаҳрамонларининг муз ва оловдан, яъни даҳшатли сайёра табиатидан қутулиш учун олиб борган кураши ташкил этади. Ота-оналар фарзандларини тарбиялаш учун олиб борган саъй-ҳаракатлари, асар қаҳрамонлари Сим ва Кайон ўртасидаги можаролар, ўзаро босқинчилик урушлари, шахсий ва ижтимоий урушларнинг қораланиши, Сим ва Лайт ўртасидаги муҳаббат, Сим ва олимларнинг илм йўлида кўрсатаётган фидойиликлари вауларнинг илмни улуғлаши “Муз ва олов” асарининг ёрдамчи мавзулари ҳисобланади. Рэй Брэдбери асар яратиш жараёнида ўзига хос йўлдан борди. У воқеаларни босқичма-босқич, кетма-кет ифода этишдан қочади. Ёзувчи асар қаҳрамонларини қутилмаган, хавфли, оғир вазиятларга туширади. Улар бундай вазиятлардан ўзларининг ҳаётий тажрибалари, ақл-заковати ёрдамида эсон-омон чиқиб оладилар. Бундай тасвирлаш усули фантастик адабиёт учун янгилик эмас. Бу усулни кўпчилик фантаст ёзувчилар қўллайдилар. Аммо бу ўринда масала нафақат асар қаҳрамонининг қандай ақл бовар қилмас вазиятга тушганида эмас, балки юзага келган вазиятдан чиқиш учун ўзини қандай тутишидадир. Бу эса фантаст ёзувчининг маҳоратига, айниқса, асардаги бадиий-психологик муҳитни, қаҳрамонлар руҳиятини нечоғлик асослаб беришига боғлиқ.

Фантастик асарларни психологик жиҳатдан таҳлил қилишда муаллиф нутқи ҳам муҳим ўрин тутаяди. “Автор нутқи воситасида кўпинча сюжет экспозицияси, пейзаж тасвири ва образларнинг психологик ҳолатлари ифодаланади” [Хатамов Н., Саримсаков Б., 1979; 20]. Фантастик асар бадиий асар каби инсон тасавури, тафаккури, фикрлаш доираси, имконияти, нутқига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Шу боис ҳам Рэй Брэдберининг “Инсоният тарихида ҳамма нарса орзудан башланади” [Брэдбери Рэй, 1980; 4], – деб таъкидлаши бежиз эмас.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ўз қаҳрамонларининг психологик ҳолатини кўпинча уларнинг нутқи орқали очишга ҳаракат қилар эканлар, асар қаҳрамонининг нутқи ҳам нутқ эгаси, ҳам нутқ йўналтирилган персонаж психологиясини очишга қаратилганини қайд этиш ўринлидир. Бадиий асарда нутқ қаҳрамон психологиясини очишда қанчалик ўрин эгалласа, фантастик асарда ҳам шундай хизмат қилади. Фантастик асар қаҳрамони реал ёки фантастиклигидан қатъи назар, бадиий психологизм аспекти, хусусан, нутқ фантастик асар қаҳрамонларининг ботиний оламини ҳамда унинг тасавуридаги

оламни, ойнадаги акси каби ёритиш имконини беради. Фантастик асарларда хаёлот устуворлик қилгани боис, унда бошқа жанрдаги асарлар билан муштарак жиҳатлар ва айни пайтда, ўзига хосликлар ҳам мавжуд. Боз устига, ишонтириш масъулияти ҳам икки ҳисса ортиқроқ. Буни Д.Уоллхаймнинг фантастик асарни *гоялар адабиёти*, А.Азимовнинг *қозғоғдаги эксперимент* деган фикрлари яна бир бор тасдиқлайди.

Рэй Брэдбери барча фантастик асарларининг концепцияси – инсонни асраш. Бу борада унинг қатъий фикри: *инсон маънавиятли, инсон озод, инсон бахтли бўлиши керак*. Инсонни асраш концепцияси жаҳон миқёсида жамики ёзувчилар хаёлини банд қилган муаммодир. Хусусан, Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ҳам ўқ илдизини шу масала ташкил этади. О.Шарафиддинов Ҳ.Шайхов ижодига “Адиб бир-биридан қизиқ, мароқли саргузаштлар тўқиб, китобхон хаёлини банд қилишни эмас, балки инсоннинг мангу муаммоларини ўртага ташлаб, инсон виждонига мурожаат қилиб, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамолроқ қилишни ўйлайди. Шунинг учун Ҳожиакбар асарларининг замирида инсон ҳаётининг маъноси, эътиқоди, ҳалоллик, поклик масалалари ётади. ... Адибилмий фантастик шаклларда эзгулик ва ёвузлик, тўғрилиқ ва эгрилик, бағрикенглик ва худбинлик ўртасидаги курашни кўрсатади” [Шарафиддинов О., 2001; 126], – деб берган баҳосида ёзувчи ижодининг моҳиятини очиб беришга муваффақ бўлган.

Рэй Брэдбери билан Ҳожиакбар Шайхов ижодининг кесишган нуқтаси ҳам айнан улар эътиборини мана шу масалага қаратганликлари ва унинг ечимини топиб беришга ҳаракат қилганликларидадир.

Рэй Брэдбери ҳам, Ҳожиакбар Шайхов ҳам нутқ, ички монолог билан бирга асар қаҳрамонлари портретини тасвирлаш орқали ҳам қаҳрамон психологиясини беришга муваффақ бўлганлар. Психологлар таъкидлаганидек, ташқи шарт-шароит билан бир қаторда табиат тасвири ҳам қаҳрамонлар руҳий ҳолатини очиб бериш учун муҳим омил ҳисобланади. Адабиётшунос Ғ.Муродов “Адабий қаҳрамон ва табиат” мақоласида пейзажнинг икки турини ажратиб кўрсатган:

1) бадиий асар қаҳрамони руҳий ҳолати билан боғлиқ табиат тасвири. Бу ҳам ўз навбатида иккига бўлинади: а) қаҳрамон (персонаж) кайфиятига муштарак пейзаж; б) қаҳрамон кечинма ва руҳий ҳолатларига қарама-қарши бўлган манзаралар;

2) объектив табиат тасвири – бунда табиат тасвири ва қаҳрамон қалбидаги кечинмалар ўзаро боғлиқ бўлмайди. Пейзаж ёзувчининг ижодий-бадиий ниятига кўра ифода топади [Муродов Ғ., Темирова Д., 2008; 32].

Ҳ.Шайховга мансуб “Номаълум одамлар” ҳикоясининг бош мавзуси экология муаммолари билан боғлиқ. Унинг асосини ерга келиб яшаётган ўзга сайёраликлар ҳаёти ва уларнинг ерликлар билан муносабати ташкил этган. Озод Шарафиддинов айтганидек, Ҳожиакбар Шайхов мазкур ҳикоясида инсон ҳис-туйғулари, кадриятлар, эзгулик ва ёвузлик, бағрикенглик ва худбинлик ўртасидаги курашни акс эттиради.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг турли жанрдаги асарларида қаҳрамон руҳий ҳолати тасвирига кенг ўрин ажратилган. Рэй Брэдберининг

“Фаренгейт бўйича 451 даража”, Ҳожиакбар Шайховнинг “Туташ оламлар” романларида инсоннинг руҳий кечинмаларини теран тасвирлашда муштараклик, мавзу ва бадиияти жиҳатдан ўзига хослик мавжудлиги биографик, структурал ва психологик методлар асосида аниқланди.

Р.Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража”, Ҳ.Шайховнинг “Туташ оламлар”, “Икки жаҳон овораси” романларининг бадиий психологик жиҳатдан ўзига хос томони шуки, унда бош ва иккинчи даражали мавзулар бадиий асарда муҳим аҳамият касб этади. Адабиётшунос Ҳ.Умурувнинг фикрича, мавзу: “...ижодкор томонидан танлаб олинган ва ҳаётнинг муайян муаммоларини умумлаштирган воқеалар тасвири, ана шу аксланган ҳаёт (воқеа) кўринишларининг мағзини чақиш ... ва уни ғоявий-эмоционал тарзда баҳолашдир” [Умиров Ҳ., 2004; 115]. Бундан кўринадики, асар мавзусини тўғри англаш таҳлил жараёнининг илмийлигини, қўйилган муаммоларни ҳаёт билан боғлиқ ҳолда тўғри талқин қилиш имконини юзага келтиради.

“Фаренгейт бўйича 451 даража” асарининг бош мавзуси – инсонни асраш. Бу, албатта, кенг қамровли тушунча бўлиб, жамиятнинг маънавий инқироzi, оммавий маданиятни тарғиб қилаётганларга қарши тура олиш, инсоният бошига фалокат ёғдирувчи уруш хавфининг олдини олиш каби жуда кўп муаммоларни ўз ичига қамраб олади. Ҳ.Шайхов “Туташ оламлар” романининг бош мавзуси – инсонни ғафлат уйқусидан уйғотиб, мукамалликка эриштириш.

Бу икки ёзувчи Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижодида битта умумий кесишган нуқта мавжуд, бу – инсоният ғамини ейиш. Шу маънода, уларнинг асарларида моддий дунё билан руҳият дунёси ўртасидаги номутаносиблик бадиий ифода этилган.

Кўриниб турибдики, дунёнинг икки кутбида яшовчи иждоқорларни инсон қалби ва эзгуликни асраб қолиш йўлидаги кураш ғояси бирлаштиради. Асарларида бош мавзу сифатида танланган моддий ва боқий олам, маънавий етуклик ва таназзул ҳақидаги муаммолар асрлар давомида Шарқ (Аҳмад Яссавий, Машраб, Алишер Навоий, Махтумқули...) ва Ғарб (Данте, Гёте, Мопассан...) алломалари, иждоқорларининг ҳам диққат-эътиборида бўлган. Фикримизни Д.Дюришиннинг: “Мавжуд қарашлар бирлигини куйидагилар билан изоҳлаш мумкин, яъни турли тилларда асар яратадиган мултифлар умумий манбадан илҳомланадилар, кўп ёки оз даражада худди ўша эмоционал ва интеллектуал тажрибага дуч келадилар” [Дюришин Д., 1979; 70], деган мулоҳазаси тасдиқлайди.

Умумий манба дейилганда, умуммаданий мерос, оламни ўзига хос диний-фалсафий англашга асос бўлган қарашлар, эмоционал ва интеллектуал тажриба каби омиллар тушунилади. Улар иждоқорлар ўртасидаги ғоявий яқдилликни юзага келтириши мумкин. Р.Брэдбери билан Ҳ.Шайхов фантастик асарларининг устувор йўналишини ташкил этган масалалар ҳам айнан мана шу умумий манбадан озиқланган. Шу маънода фантастика ва унинг (илмий, маиший, эртақ, фалсафий фантастика каби) кўринишлари имкониятлари жуда катта. Яъни ҳаёлот учун майдон кенг. Унда фақат ҳаёлот эмас, реал воқелик (фантастик

парда ортида) ва ёзувчининг ижтимоий қарашлари ҳам акс этирилади.

Р.Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романи ижтимоий фантастика жанрида ёзилган бўлса, Ҳ.Шайхонинг “Туташ оламлар” романи мистик-фантастик романдир. Ёзувчи ўз илмий қарашларини мистика “қобиғи”да тасвирлайди. Ёзувчи фантастиканинг қай усулидан фойдаланиб, асар ёзиши масаланинг индивидуал томони билан боғлиқ.

Фантастик асар қаҳрамонлари ўзга сайёра, галактикаларда ҳаракат қиладилар. Персонажлар робот, махлуқ, махлуқот, иблис ва инс-жинслар, одамларга ўхшайдиган ёки ўхшамайдиган фантастик киёфага эга бўлишлари мумкин.

“Фаренгейт бўйича 451 даража” романида Монтэг, Капитан Битти, Фабер, Кларисса, Миллдрид билан бирган фантастик хусусиятга эга “одам китоблар” Грэнжер ва механик ит каби қаҳрамонлар ҳам қатнашади. Уларнинг барчаси Монтэг атрофида бирлашадилар, яъни Монтэг образини тўлдиришга хизмат қилади.

Ҳ.Шайхон “Туташ оламлар” романининг бош қаҳрамонлари Назира, Наргиза, Нафиса исмли опа-сингиллардир. Ёзувчи бу опа-сингилларни фантастик хусусиятларга эга инсонлар сифатида тасвирлайди. Яъни улар келажакни олдиндан кўра билиш ҳамда ўтган улуғ азиз авлиёларнинг руҳлари билан мулоқотга киришиш хусусиятига эга. Асарда яна Ҳазрат Ғавсул Аъзам, Шайх Тоҳир, Ҳожа Асрор валий, Тилла Шайх каби азиз авлиёларнинг руҳлари ҳам иштирок этади ва улар учала опа-сингилни қўллаб-қувватлайди.

Романнинг бош қаҳрамонлари – эзгу ниятли Назира, Наргиза ва Нафисага ёвуз ниятли шайтонлар – Улиспир, Нуж, Нут, Яос ва шайтон измидаги тўда йигитлари – Болта, Теша, Ўроқ образлари қарши қўйилади. Гулшодабону аввал Назиралар оиласининг ишончли одамларидан эди. Яшм тошини олиш мақсадида бойликка муккасидан кетиб, шайтоний ҳислар устунлик қилиб, тўда йигитлари ва Улиспир хизматидаги киради. Бойлик учун Назирани аввал Ўроқ бойваччага олиб беришга ҳаракат қилади. Кейинчалик улардан ҳам кечиб, олий ҳукмдор Улуспирнинг жияни Коиннинг ўғли Самукқа олиб беришга ошиқади.

Образлар характери, орзу-интилишлари, маънавий дунёқарашини ўзига хос. Шу маънода инсонларнинг реал образини ярата билиш бадийликнинг муҳим шарти ҳисобланади. Асарларнинг психологик таҳлили орқали эса ижодкор ҳамда асар қаҳрамонларининг руҳий олами ҳақида чуқурроқ тасаввурга эга бўлиш мумкин.

“Фаренгейт бўйича 451 даража” романининг биринчи қисми “Бошпана ва Самандар” деб номланган. Ёзувчи романи пейзаж манзараси ва портрет тасвири билан бошлайди. Пейзаж – табиат тасвири персонажлар қалби, руҳиятини очишда восита. Пейзаж орқали қаҳрамонлар руҳий ҳолатини параллелизм ёки контраст усулларида очиш мумкин.

Ҳ.Шайхонинг “Туташ оламлар” асари ҳам пейзаж тасвирдан бошланган. “Рутубатли киш музларини эритиб, кўҳна Тошкентнинг Ҳазрати Имом даҳасига ҳам бутун юрт худудлари қатори яшаш, яшариш, янгиланишни етаклаб наврўзи

олам кириб келди. Лекин неча минг йиллар муқаддам тупроғимизга илдиз қўйган қадимий урф кўпдан таъкиб қилинаётганини сингдира олмагандай, кечалари ҳамон совуқ, этни жунжиктирувчи шамоллар тинмайди. Кундузлари шаҳарни оппоқ ва қуюқ туман чулғаб олади-да, тушга яқин гўшангадан энди чиқиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яйратиб қуёш юз очади” [Шайхов Х., 2001; 13].

Ёзувчининг асарни табиат манзараси тасвиридан бошлашдан мақсад, унда реал ва фантастик шахслар (қаҳрамонлар), гуруҳларнинг ўзаро кураши асос қилиб олинганидир. Моддий ва руҳият ўртасидаги номутаносиблик, уларнинг бир-бирига таъсири масалаларини кўрсатишда пейзаж ёрдам беради. Асардаги ёмонлик тимсоли хоҳ фантастик, хоҳ реал бўлсин, салбий образлар устидан ижобий образларнинг ғалаба қилишига китобхонни тайёрлайди.

Рэй Брэдберининг “Фаренгейт бўйича 451 даража” романида тасвирланган табиат манзараси – куз пейзажидан фарқли ўлароқ, Х.Шайхов жамиятдагиларнинг умри қиш босқичидан ўтиб, баҳор арафасида эканлигига ишора қилмоқда. *Аммо кечалари ҳамон совуқ, этни жунжиктирувчи шамолларнинг тинмаслиги, кундузлари шаҳарни оппоқ ва қуюқ туман чулғаб олиши, тушга яқин гўшангадан энди чиқиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яйратиб чиққан қуёш билан алмашилиб туриши ҳаёт курашдан иборатлигига, инсон доимо ҳаракатда эканлигига, яхши ва ёмон кучларнинг ҳамшиша зиддиятда яшашига ишора.*

Табиат манзараси тасвири билан Х.Шайхов сатрлар ортида яширинган ижтимоий масалаларга ҳам китобхон эътиборини қаратишга уринган. “Тушга яқин гўшангадан энди чиқиб келган соҳибжамол келинчакдай дилларни яйратиб қуёшнинг юз очиши” халқимизга ёруғликни ўтказмай турган қуюқ туманнинг ортга чекингани – мустабид тузумнинг барҳам топгани, Ватанимизнинг озод ва обод бўлгани, халқимизнинг пешонаси ва кифтига қуёш нури теккани, юртимизнинг соҳибжамол келинчакдек дилбар, чиройли бўлиб бораётганига ишора. Асар қаҳрамони ҳолатини тасвирлашда ташқи шарт-шароит ҳам муҳим ўрин тутди. “Инсон характери фақатгина ички хусусиятлар билан изоҳланмай, балки уни ўраб турган ва фаолиятининг маълум йўналишини белгилайдиган ташқи шарт-шароит, ижтимоий, тарихий воқелик таъсири билан ҳам белгиланади” [Тетровский А.В., 1992; 172].

Фантастик асарларда ҳам бадиийликни таъминловчи асосий мезонлардан бири – инсон руҳиятини маромида тасвирлай олган Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов ижодини инсонни асраш ва уни мукамаллик сари етаклаш концепцияси бирлаштириб туради. Бу икки ёзувчи ўз фантастик образ ва персонажларини реал образлардан фарқли – ҳаётдан узоқлашиш, ўзига хос ҳаёлий бир дунёни яратиш мақсадида қўлламаганлар, балки бу образлар орқали одамларни техника жадал ривожланган замонавий ҳаётга яқинлаштиришни мақсад қилиб олган.

ХУЛОСА

Бу икки фантаст ёзувчи инсон омилини ҳар қачонгидан ҳам юқори савияга кўтариб, унинг кучи, идроки, салоҳияти, руҳий ҳамда маънавий баркамоллигини

бевосита техника тараққиёти, технологиядаги ривожланишлар ва тамаддун билан узвий боғлади. Инсон ва унинг мукамаллиги, ўз устида ишлаши, ўз мукамаллиги хусусида қайғуриш муаммоси Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайхов фантастик асарларининг бош лейтмотивига айланди.

Фантастик асарлардаги техника тараққиёти билан боғлиқ феномен даражасидаги фантастик гипотезалар бирёқлама хусусиятга эга ва у ҳар бир ёзувчи ижодида ўзига хос шаклда намоён бўлади. Ҳ.Шайховнинг фантастик асарларида гипотеза сифатида келтирилган барча илмий фантастик янгиликлар билан боғлиқ кашфиётлар инсонга хизмат қилишга қаратилган бўлса, Рэй Брэдбери асарларидаги барча фантастик кашфиётлар техникани такомиллаштиришга йўналтирилган.

Фантаст ёзувчилар ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни, ижтимоий муаммоларни фантастик парда ортида туриб тасвирлайдилар. Фантастларни бундай йўл тутишларига, кўпинча, вазият монелик қилади ва улар қарашларини пардага ўраб тақдим этиш йўлидан боради. Айрим ҳолларда эса бу ёзувчиларнинг асарларида илгари сурилаётган гипотезалар фантастика қобиғидан чиқиб, ҳаётга яқинлашади.

Фантастика фақат фан ва техникани, унда эришилган ва келажакда кутиш мумкин бўлган кашфиётларнинг моделини, эскизини идрок этишни, келажакни олдиндан кўриш, баҳолай билишнигина кўзда тутмайди, балки яшашдан мақсад нима? – деган саволга ҳам жавоб изланиши бу туркум асарларнинг мазмун-моҳиятини белгилайди.

Рэй Брэдбери ва Ҳожиакбар Шайховнинг инсон психологиясини тасвирлашда эришган ютуқларини уларнинг бадиий маҳорати билангина боғлаш мумкин эмас, чунки фантастик асарлар ўзига муҳим тарбиявий вазифаларни ҳам мақсад қилиб олган.

Фантастик асарларнинг концепцияси – пессимистик қарашларга қарши курашиш ғоясидан иборат ва улардаги бадиий психологизмнинг ўзига хос нуқталари айнан мана шу концепцияни юзага чиқариг хизмат қилади.

Фантастик асарларда информацион, технологик гипотеза, қарашлар нечоғлик устун бўлмасин, уларнинг асосий вазифаси китобхонга маънавий йўл кўрсатиш, бир сония бўлса-да, “Мен унинг ўрнида бўлганимда қандай йўл тутар эдим” деган мазмундаги мушоҳадага чорлашдир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Bloom, H. (2008). *Bloom's modern critical interpretations: Fahrenheit 451* (pp.1-2). Infobase publishing.
2. Brandis, Ye., Dmitriyevskiy, V. (1978, 3 sentabrya). *Vzyato iz deystvitelnosti. Res.na povest X. Shayxova Zagadka Rene. Pravda, 246, s. 3.*
3. Bredberi, R. (1980). *I tut tvoryatsya chudesa. Literaturnaya gazeta, 10, s. 4.*
4. Bredberi, R. (1989). *451 gradus po Farengeytu (roman, perevod T. Shankar). Predisposiye, 3-10.*
5. Conklin, G. (1954). *Galaxy's 5 star shelf. Galaxy Science Fiction, 108.*
6. Derleth, A. (1964, January). *Contemporary Science Fiction. College English, 4, 191.*

7. Dyurishin, D. (1979). *Teoriya stavnitelnogo izucheniya literaturi* (70 s.). Moskva: Progress.
8. Guzman, D. (1953, October 25). Storyteller of future also a social critic. *Los Angeles Times*, 7.
9. Hoskinson, K. (1995). The martian chronicles and fahrenheit 451: Ray Bradbury's cold war novels. *Extrapolation*, 36(4), 345-359.
10. Murodov, G', Temirova, D. (2008). *Tarixiy romanda syujet muammosi* (32-b.). Toshkent: Fan.
11. Novikova, V. (1992). Fantasticheskaya novella R. Bredberi. *Avtoref. kand. fil. nauk.* (17 s.). Nijniy Novgorod.
12. Prescott, O. (1953, October 21). Books of the times. *New York Times*, p. 27.
13. Quronov, D., Mamajonov, Z., Sheraliyeva, M. (2013). *Adabiyotshunoslik lug'ati* (48-b.). Toshkent: Akdemnashr.
14. Quvvatova, D. (1997). O'zbek ilmiy-badiiy fantastikasida folklor motivlari. *Fil. fan. nom. dis. avtoref.* Toshkent.
15. Salayev, F. (1994). Hozirgi o'zbek ilmiy-fantastik adabiyotida inson va tabiat muammosi. *Fil. fan. nom. dis. avtoref.* Toshkent.
16. Sharafiddinov, O. (2001). *Hojiakbarning sirli olami* (3-b.). Toshkent: Sharq.
17. Sharafiddinov, O. (1995). Qaldirg'ochlardan biri. *O'zbekiston adabiyoti va san'ati*, 16(3303), 3.
18. Shayxov, H. (2001). *Tutash olamlar, Ikki jahon ovorasi* (13-b.). Toshkent: Sharq.
19. Shermuhamedov, P. (1976). *Davr qahramon taqdirida* (Adabiy-tanqidiy maqolalar) (225-248-b.). Toshkent: G'afur G'ulom nomidagi adabiyot va san'at nashriyoti.
20. Shlionskaya, I. *Roman Reya Bredberi 451 gradus po Farengeytu i duxov zpa yavilas rat.* https://raybradbury.ru/articles/shlionskaya_disser/part3/
21. Sultonov, I. (1980). *Adabiyot nazariyasi* (166-b.). Toshkent: O'qituvchi.
22. Teicher, M. (1988). Ray Bradbury and Thomas Wolfe: Fantasy and the fantastic. *Thomas Wolfe Review*, 12, 17-19.
23. Petrovskiy, A.V. (1992). *Umumiy psixologiya* (172-b.). Toshkent: O'qituvchi.
24. Tulabayeva, R. (2019). Xudoyberdi To'xtaboyev romanlarida badiiy psixologizm. *Fil. fan. fals. dok. dis.* (17-b.). Toshkent.
25. Umirov, H. (2004). *Adabiyotshunoslik nazariyasi* (115-b.). Toshkent: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi.
26. Xatamov, N. Sarimsaqov, B. (1979). *Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o'zbekcha izohli luhati* (20-b.). Toshkent: O'qituvchi.
27. Xudoyberganov, N. (1973, 9-fevral). Shaklan yangi, mazmunan-chi?. *O'zbekiston madaniyati*.
28. Yaroshevskiy, M. (1985). Psixologiya tvorchestvo i tvorchestvo v psixologii. *Voprosi psixologii*, 14.
29. Zamyatin, Ye. (1988). *Psixologiya tvorchestva* (ss.136-139). Moskva.
30. Zolotuxina, O. (2009). *Psixologizm v literature* (180 s.). Grodno: GrGU.

REFERENCES

1. Bloom, H. (2008). *Bloom's modern critical interpretations: Fahrenheit 451* (pp.1-2). Infobase publishing.
2. Brandis, Ye., Dmitrievskiy V. (1987, September 3). Taken from reality. *Truth*, 246, p. 3.
3. Bradbury, R. (1980). And then miracles happen. *Literature Newspaper*, 10, p.4.
4. Bradbury, R. 451 degrees Fahrenheit (novel, translated by T. Shankar). *Preconfiguration*, 3-10.
5. Conklin, G. (1954). Galaxy's 5 star shelf. *Galaxy Science Fiction*, 108.
6. Derleth, A. (1964, January). Contemporary Science Fiction. *College English*, 4, 191.
7. Dyurishin, D. (1979). *The theory of the closed study of literature* (p. 70). Moscow: Progress.

8. Guzman, D. (1953, October 25). Storyteller of future also a social critic. *Los Angeles Times*, 7.
9. Hoskinson, K. (1995). The martian chronicles and fahrenheit 451: Ray Bradbury's cold war novels. *Extrapolation*, 36(4), 345-359.
10. Khatamov, N., Sarimsakov, B. (1979). *Russian-Uzbek glossary of literary terms* (p. 20.). Tashkent:Teacher.
11. Khudoyberganov, N. (1973, February 9). The form is new, what about the content?. *Culture of Uzbekistan*.
12. Kuronov, D., Mamadjonov, Z., Sheralieva, M. (2013). *Literary dictionary* (p. 48.). Tashkent: Akademnashr.
13. Kuvvatova, D. (1997). Folklore motifs in Uzbek science fiction. *Can. phil. sci. dis. abs.* Tashkent.
14. Murodov, G., Temirova, D. (2008). *The plot problem in a historical novel* (p. 32). Tashkent: Science.
15. Novikova, V. (1992). Fantastic novel R. Bradbury. *Can. phil. sci. dis. abs.* (p. 17). Nizhny Novgorod.
16. Prescott, O. (1953, October 21). Books of the times. *New York Times*, p. 27.
17. Salaev, F. (1994). The problem of man and nature in modern Uzbek science fiction. *Can. phil. sci. dis. abs.* Tashkent.
18. Sharafiddinov, O. (2001). *The mysterious world of Hojiakbar* (pp. 3-4). Tashkent: East.
19. Sharfiddinov, O. (1995). One of the swallows. *Literature and Art of Uzbekistan*, 16(3303), 3.
20. Shaykhov, H. (2001). *Connected worlds, two worlds* (p.13). Tashkent: East.
21. Shermuhamedov, P. (1976). *In the case of the hero of the period* (pp. 225-248). Tashkent: Publishing House of Literature and Art named after Gafur Gulam.
22. Shlionskaya, I. *Ray Bradbury's novel '451 degrees Fahrenheit' and 'And the spirits of zpa came to the host'*. https://raybradbury.ru/articles/shlionskaya_disser/part3/
23. Sultanov, I. (1980). *Literary theory* (p. 166). Tashkent:Teacher.
24. Teicher, M. (1988). Ray Bradbury and Thomas Wolfe: Fantasy and the fantastic. *Thomas Wolfe Review*, 12, 17-19.
25. Tetrovskiy, A. (1980). *General psychology* (p.172). Tashkent: Teacher.
26. Tulabaeva, R. (2019). Artistic psychologism in Khudoiberdi Tokhtaboev's novels (p. 17). *Doc. philos. phil. dis.* Tashkent.
27. Umirov, H. (2004). *Literary theory* (p.115). Tashkent: Public Heritage named after Abdulla Qadiri.
28. Yaroshevskiy, M. (1985). Psychology creativity and creativity in psychology. *Psychology issues*, 14.
29. Zamyatin, Ye. (1988). *Psychology of creativity* (pp. 136-139). Moscow.
30. Zolotuxina, O. (2009). *Psychologism in literature* (p. 180). Grodno: GrGU.